

2020 йилга бориб зиёрат қилувчи сайёҳлар сони 800 миллионга етади



07:10 / 26.06.2019 2229

Жаҳон туризм ташкилотининг маълум қилишича, 2020 йилга бориб дунёдаги сайёҳларнинг умумий сони тахминан 1 миллиард 200 миллион кишига етади. Шулардан, 800 миллион сайёҳ диний обидалар ва манзилларни зиёрат қилиши тахмин қилинмоқда.

Бугунги кунда ташкилот биргина Ливаннинг ўзида 300 дан ортиқ исломий ва насроний зиёратгоҳлар борлигини эълон қилган. Дарҳақиқат, Ливанда жуда ҳам кўп миқдорда диний тарихий асарлар қайд этилган. Мамлакат раҳбарияти томонидан Ливанни дунёдаги диний туризм бўйича энг биринчи давлатлар қаторига чиқариш борасида БМТ, Жаҳон банки ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

